

АДВОКАТЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Холтўраев Ғоибназар

“ESTE PRIME” адвокатлик фирмаси адвокат ёрдамчиси.

ҚИСМ

Ўзбекистонда адвокатура — ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Шунингдек адвокатура тўғрисида қонунчилик қўйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон республикаси Конституцияси
- 2) Адвокатура тўғрисидаги қонун
- 3) Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Қонун

Юқоридагилардан ташқари адвокатуранинг роли бир қанча норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган

Ўзбекистонда адвокатура институти бошқа давлатлар адвокатура институтлари билан солиштирганда камчиликлар кўзга ташланади. Хусусан бу камчиликлар адвокатлар сонининг камлиги, суд-ҳуқуқи тизимининг чинакам мустақил эмаслиги каби ҳолатларда яққол намоён бўлади.

2-қисм

Адвокатларнинг жавобгарлиги муаммоси ҳозирги босқичда адвокатлар ҳамжамияти олдида турган долзарб ва долзарб муаммолардан биридир. Адвокат томонидан йўл қўйилган ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларни бузишнинг табиати ва оқибатларига қараб, жавобгарлик турларидан бири юзага келиши мумкин. Бу фуқаролик (моддий), жиноий ва интизомий жавобгарлик бўлиши мумкин.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам сифатини назорат қилишнинг самарали механизми мавжуд эмас, интизомий жавобгарлик бундан мустасно, бу фақат адвокатлар ишининг тўғри сифатини тўлиқ таъминлашга имкон бермайдиган кейинги назорат механизmidир.

Барча соҳаларда бўлганлиги каби адвокатура соҳасида ҳам касб мажбуриятларидан келиб чиққан қонунбузилишлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар мавжуд.

Хусусан, адвокат томонидан ўзининг касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги ҳамда касбий эътика қоидаларига риоя қилмасдик ҳолатлари учураб туради.

Бундай интизомий жазолар Ўзбекистон Адвокатура тизимида қандай ҳал қилинади?

“ Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 14- моддаси адвокатнинг интизомий жавобгарлик масаласи келтирилган бўлиб, қуйидагилар адвокатни интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади:

1)Адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги,

2)Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги унга нисбатан интизомий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

Интизомий иш юритишни қўзғатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

-адвокатура тўғрисидаги қонунчиликнинг, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сирининг ва адвокат қасамёдининг адвокат томонидан бузилиши Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи томонидан аниқланганлиги;

-адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари;

-суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими.

Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

-огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига асосан);

-лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш (“ Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 15-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларига мувофиқ);

-лицензиянинг амал қилишини тугатиш (“Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 16-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларига мувофиқ).

Малака комиссияси томонидан қарор қабул қилинганга қадар адвокат интизомий иш қўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашув чораларини кўришга ҳақли.¹⁰

Адвокатга нисбатан интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижалари бўйича эса, адвокат томонидан ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан икки йил ўтганидан кейин қўлланилиши мумкин эмас.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг ёки Адвокатлар палатасининг мурожаатига кўра маъмурий суднинг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига

¹⁰ “ Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 14-модда

аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонунчилик талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари¹¹, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, бундан адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажариб бўлганидан сўнг;

агар лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайдан эътиборан уч ой ичида талабгор лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

ушбу Қонун 3¹-моддасининг еттинчи қисмида ва 13¹-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш маъмурий суд томонидан Олий малака комиссиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаатига кўра қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат касбига доир вазифаларини олти ой мобайнида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда;

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-ИЛОВАсига кўра тасдиқланган.

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонунчилик талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

Адлия органи уч кунлик муддатда Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини адвокатнинг мақоми тугатилганлиги ҳақида хабардор қилади, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Адвокат мақомининг тугатилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

Ушбу модда иккинчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахс уч йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмас.

XORIJ TAJRIBASI BO'YICHA QIYOSIY TAMLIL (Moldova)

Молдова Респуббликаси Адвокатура тўғрисидаги қонунининг 48-моддасига кўра қуйидаги ҳолатлар учун жавобгарликка тортилади:

ушбу қонуннинг қоидаларини, адвокат ахлоқ кодексининг нормаларини адвокатура фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар бузиши

-адвокатларнинг хатти-ҳаракатлари учун петициялар, шунингдек олинган маълумотлар

адвокат томонидан амалга оширилганда содир этилган интизомий қоидабузарликлар

Касбий мажбуриятлар ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва агар этарли асослар мавжуд бўлса, тайинлайдиган интизом тегишли текширувлар. Текширувлар комиссия аъзолари томонидан амалга оширилади ёки адвокатлик бюроларидан бирига топширилади.

Ахлоқ ва интизом бўйича комиссия адвокатдан қуйидагиларни талаб қилиши керак

унга нисбатан интизомий иш, ёзма зарур бўлган тушунтиришлар, ҳужжатлар ва бошқа материаллар

Ахлоқ ва интизом комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) *интизомий жазо тайинлаш тоъғъ рисида;*

б) *қўшимча текширувни ўтказиш тўғъ рисида;*

С) *адвокатнинг ҳаракатларида қонунбузарликлар йўқлиги тўғъ рисида.*

(7) интизомий жавобгарликка тортилган адвокат ахлоқ ва интизом бўйича комиссияга масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга ва тўғъ ридан-тўғъ ри тушунтиришлар бериш мумкин.

Молдова Респуббликаси Адвокатура тўғъ рисидаги қонунининг 49-моддасига кўра қуйидаги Интизомий жазо чоралари қўлланилишимумкин:

а) огоҳлантириш;

б) танбеҳ.

(2) интизомий жазо тайинлашда Адвокатнинг нотўғъ ри хатти-ҳаракатлар, уни содир этиш ҳолатлари, фаолияти ва хатти-ҳаракатлари

(3) интизомий жазо юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин

Молдова Респуббликаси Адвокатура тўғъ рисидаги қонунининг 50-моддага кўра интизомий иш қўзғатилиши мумкин эмас, агар у

-Адвокат томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганидан бошлаб 6 ой ўтган бўлса

Молдова Респуббликаси Адвокатура тўғъ рисидаги қонунининг 51-моддага кўра Интизомий жазо қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

(1) агар интизомий жазога тортилган адвокат жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида у янги қонунбузарлик қилмаса, у интизомий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

(2) адвокатлар бюроси ёки адвокатлар бирлашмасининг илтимосига биноан жазо тайинлангандан кундан бошлаб олти ойдан кейин олиб тағланиши мумкин.

Хулоса

Барча давлатларда хусусан ривожланган ҳамда энди ривожланаётган давлатларда ҳам адвокатларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарлик чоралари ҳанузгача тўлиқ ечим топмаган

Ўзбекистондан адвокатларга қўлланиладиган интизомий жазолар хусусида қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, адвокатларга нисбатан олти ойгача қўйлланиладиган лицензиясини тўхтатиб туриш жазосини бутунлай олиб ташлаш. Ушбу жавобгарлик ўрнига маълум миқдорда моддий жиҳатдан жарималар қўллашга мақсад мувофиқ.

Яъни ушбу жарималар қандай ҳисоблаб чиқарилиши шунингдек ушбу жамрималар қаерга тўланади деган бир қанча саволлар келиб чиқиши табиий ҳол албатта.

Бу бўйича бизда битта битта таклиф мавжуд яъни тўланиши лозим бўлган жарималар Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳисобига

тўланиши лозим деб ҳисоблаймиз ҳамда ушбу маблағлар адвокатуранинг ривожини учун мақсадли тарзда ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек жарималарнинг шакллантирилиши масласи бироз низоли ҳолат деб ҳисобласак ҳам бўлади. Ушбу маблағлар миқдори масалани якуний тўхтамга келиш бироз қийин бўлишига қарамай ушбу масалада ўзимизнинг яқдил фикримизни келтириб ўтамиз.

Яъни адвокат томонидан қонунчилик талаблари ёки касбга доир ҳуқуқбузарликлари содир этилган кунга қадар камида 6 ойлик даромадлари ҳисобланиши ҳамда ушбу сумманинг ўртачаси ҳисобланиб ушбу сумманинг 30 фоизидан 50 фоизигача бўлган суммада жарима жарима тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

Масалан адвокат қонунбузарлик содир этилгунига қадар 6 ой давомида ҳар ой 10 миллиондан даромад олиб келган бўлса ушбу сумманинг ўртачаси чиқарилиб, чиққан сумманинг 30-50 фоизи оралиғида жарима жазоси тайинланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек лицензиясини тўхтатиб туриш ўрнига ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган тақдирда дастлабки қўлланилган жамриманинг бир неча баробари миқдориди жарима солиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асос сифатида, адвокатлар сонининг камлиги. Лицензия тўхтатилган вазиятда адвокат ушбу соҳадан бутунлай тарқ этишининг олди олинади.

Иккинчидан, Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 16-моддасида келтирилган қўйидаги нормаларни чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз:

“ адвокат касбига доир вазифаларини олти ой мобайнида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;”

Яъни юқоридаги ҳолатларда Олий малака Комиссияси таклиф билан чиқиб Адлия органлари орқали лицензияни тугатиши кераклиги кўрсатилган.

Яъни адвокат томонидан 6 ой давомида ўз вазифаларини бажармаганлиги бу факт эмас. Балки етарли миқдорнинг мавжуд эмаслиги ёки оилавий сабабларга кўра ишлай олмаганлиги бўлиши мумкин.

Бундан ташқари сохта ҳужжатлар орқали олинганлиги деагн банди ҳам 21 аср ахборот асрига тўғри келмайди. Хусусан ушбу ҳолатни Адлия органларида текшириш ваколати мавжуд ва лицензия берилгунича кимдан икки уч марта ҳужжатларни текширишади (амалиётда шундай)